Ушбу сонда:
2 ЎЗБЕКИСТОН ЁЗИНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА!
3 *Омонатга хиёнат* ҚАРЗ БЕРИБ, ЧУВ ТУШГАНЛАР
4 *Олтин мерос* БАХШИЛАР ШАЖАРАСИ ёхуд 22 соат куйланган халқ достони



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 11 июл, чоршанба №106 (1120)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


**2001 yil — Onalar va bolalar yili**



*Меҳнат ва рағбат*

# МАНФААТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ЖОЙДА

***Мирзачўл довруғининг довон ошишида йўлсозлар хизмати беқиёс. Чунки, бундан беш олти йил илгари ҳайдовчиларнинг аксарияти сир соҳиллари йўлларидан юришга безиллашарди. Сабаби ўйдим-чуқур, тор йўллар транспорт қатновида турли мушкулликларни келтириб чиқарарди. Шу боис, кейинги беш йил йўлсозлар учун беором кечди. Чет эл андозаларига мос, равон йўл барпо этиш учун тонглар тунга уланди.***

— Ишлар кўпайганда хатоликлар ҳам ўтган экан, - дейди «Сирдарёавтойўл» давлат акциядорлик жамияти раҳбари Назиржон ака Шосаидов ўша дамларни эслаб. — Иқтисодга, тежамкорликка жиддий ёндошамиз деб ижтимоий муҳофазанинг баъзи қирралари ёддан кўтарилибди. Шунинг учун бу борадаги аҳволни тезда ўнгладик.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида сезиларли ўзгаришлар бўлганлиги рақамларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, ишлаб нафақага чиққан 110 нафар кишига 436 минг сўм миқдорида моддий мадад кўрсатилди. 69 нафар кам таъминланган оилаларга 593 минг сўмлик кўмак берилди. Ходимларни бепул тушлик билан таъминлаш мақсадида 5 миллион 839 минг сўмлик маблағ сарфланди. Фаол ишчиларни рағбатлантириш учун ўн учинчи ойлик маош жорий этилди. Унинг салмоғи 1 миллион сўмга тенгдир. Жамоада узоқ йил ишлаётган ишчилар 3 миллион 657 минг сўм билан тақдирланди. Эътиборли томони — ишчилар ўз меҳнатлари маҳсулидан баҳраманд бўлишаяпти.

— Шу жамоада 30 йилдан буён меҳнат қиламан, - дейди Неъмат Аджиев. — Ўртача ойлик маошим 14 минг сўмни ташкил этади. Маошга қўшимча устамалар билан ҳар ойда қўлимга 22 минг сўм атрофида пул оламан. Бу эса оиламизнинг барча эҳтиёжларини қоплашга бемалол етиб, ортади.

Йўлсозлар яна бир савобли ишга қўл уришди. Яқинда улар 27-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Максим Бектоевни фарзандликка қабул қилишди. Ота-она меҳрига ташна ўсмир бу меҳрибон кишилар ардоғида ўсиб-улғаяди. Бундан ташқари болалар уйига 600 минг сўмдан ортиқ маблағ билан ёрдам берилди.

Илгарилари сирдарёликлар қум ва шағални Бекобод ва Чиноздан ташиб келтиришарди. Бу эса катта иқтисодий зарар келтириш билан бирга ишда узилишларга ҳам сабаб бўларди. Қаловини топсанг қор ёнади, деганларидек, изланиш, интилиш туфайли қўриқ бағрида ҳам қум ва шағал захираларига бой масканлар борлиги аниқланди. Аниқроғи, Гулистон туман Деҳқонобод қўрғони атрофидан қум ташиб келтириш йўлга қўйилди. Ховос туман Бобур номли ширкатлар уюшмаси ҳудудида нафақат ҳозир, балки келгуси авлодларга ҳам хизмат қила оладиган бой конга асос солинди. Сифатли ва арзон маҳсулот корхона иқтисодини кўтарди.

Йўл бунёдкорларининг иши осонмас. Айниқса қўл кучи билан бажарилиши лозим бўлган ишлар бир талай. Уни камайтириш, ишчиларнинг оғирини енгил қилиш борасидаги изланишлар ўз самарасини берди. Масалан, жамоада майда қумни рисоладагидек сочa оладиган агрегат яратилди.

Янги агрегат нафақат йўлсозлар, балки қишлоқ хўжалигида ҳам жуда асқотади. Далаларни ўғитлаш, маҳаллий ўғит сочишда қўл келади. У 16 тоннагача юкни ортиб, мўлжалланган манзилга етказа олади. Республика фан ва техника давлат қўмитасининг патентини олган бу агрегат ҳозирча мамлакатда ягона. Йўлсозлар буюртмага кўра бундай қурилмани қишлоқ хўжалик ташкилотларига, қўшни вилоятларга ҳам ясаб бериш имкониятига эга.

Мустақиллигимиз ўн йиллиги нишонланаётган йилда йўлсозлар ўз зиммаларига масъулиятли вазифаларни олишган. Улар «Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот» йўлининг вилоят ҳудудидан ўтувчи қисмини сифатли ва тез барпо этиш тараддудини кўришмоқда. 5 та туманни кесиб ўтувчи улкан бу қурилишга 169та кўприк, 7та осма кўприк, 232та сув тозалаш иншоотларига қувурлар ўрнатилиши мўлжалланган. Бундан ташқари Гулистон-Мирзачўл йўналишидаги тош йўлни кенгайтириш ҳам ғоят кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири бўлиб турибди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**




**Суратда: йўлсозлар ихтиро қилган янги агрегат.**

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

## СИРДАРЁЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Сирдарё вилояти деҳқонлари давлатга ғалла сотиш шартномавий мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Элеваторлар ва тайёрлов пунктларига 187 минг тоннадан ортиқ дон топширилди. Боёвут, Сайхунобод ва Сирдарё туманлари ғаллакорлари давлат топшириғини 10-15 фоизга ошириб адо этди.

Бу йилги ҳосил - мирзачўллик миришкорларнинг катта ютуғидир. Сув танқислигига қарамасдан ҳар бир гектар қўриқ ердан олинган ҳосил ўртача 25-26 центнерни ташкил этди. Олдиндан деҳқончилик қилиб келинган айрим майдонларда ҳосилдорлик 45-55 центнерга етди. Боёвут туманидаги У.Юсупов номли жамоа хўжалигида меҳнат қилувчи С.Жўраев оилавий звеноси ижарага олинган 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 75 центнердан сара буғдой етиштирди. «Элита» деҳқон-фермер хўжалиги, У.Сиддиқов оилавий звеноси 72 центнердан ғалла ҳосили йиғиб олди.

**(ЎзА).**

# ЯПОНИЯДАН БУЮРТМА ОЛИНДИ

***Чет эл сармоядорларини республикага кенг жалб этиш учун қулайликлар яратилганлиги боис, янги-янги саноат корхоналари барпо этилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Эндиликда республикамиз юқори сифатли маҳсулотлари билан жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнига эга.***

Беш йил муқаддам «ДЭУ Текистл Компани» вакиллари Тошлоқ туманига ташриф буюрганларидан сўнг, улкан саноат корхонаси — ип йигирув фабрикасига асос солинди. Қурилиш ва реконструкция ишлари қисқа муддатда ниҳоясига етказилди. 1997 йилнинг июн ойида эса ип-йигирув фабрикаси фойдаланишга топширилиб маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дастлабки кезлар ўтиш даврининг қийинчиликлари сабабли қатор корхоналар янги иқтисодий шароитларга мослаша олмай фаолиятларини сусайтириб юборганликлари оқибатида ишсизлик муаммоси юзага келганди. Туманда чет эл сармоядорлари маблағига бунёд этилган йирик корхонанинг ишга туширилиши эса мазкур муаммони бартараф этишда айни муддао бўлди.

У 950 нафар маҳаллий ёшларни ўз бағрига олди. Уларнинг кўпчилиги Жанубий Кореяда тажриба орттириб, малакали мутахассис бўлиб қайтишди. Алишер Сайдаҳмедов, Шерзод Парпиев, Ўктамой Мамажонова, Шоира Аҳмедова каби ёшларнинг номлари эндиликда фахр билан тилга олинмоқда.

Ўтган давр мобайнида корхонада ижобий силжишлар бўлди, ишлаб чиқариш кенгайди, маҳсулот ҳажми ва турлари ортди. Ҳозирги кунда 70 мингга яқин урчуққа эга бўлган ип-йигирув дастгоҳлари бир маромда ишлаяпти. Уларнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 14 минг тонна калава ипга тенгдир. 1998 йилда эса чет эл сармоялари ҳисобига иккинчи босқич — тўқув корхонаси ишга туширилди.

Ўтган йил давомида ип газламани қўшиб ҳисоблаганда 37924 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот сотилди. Ўз пахтамиздан ишлаб чиқарилаётган ана шундай маҳсулотларнинг аксарият қисми Корея, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Белгия, Голландия, Малайзия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхонадаги ишчи-хизматчилар учун яратилган шароитлар, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари кўпчиликни қизиқтириши табиий. Корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Алижон Парпиевнинг айтишича, каттагина маблағ меҳнат жамоасининг манфаатлари учун сарфланар экан. Ўртача ойлик иш ҳақи 20 минг сўмни ташкил этади. Барча ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Бир маҳал иссиқ овқат — бепул. Ишчи-хизматчиларнинг ишга келиб-кетишлари учун автобуслар хизматда. Фарзанд кўрганда ва 2 ёшгача бола парваришлаётган оналарга нафақалар тўланмоқда. Айни пайтда ишчи-ходимларнинг фарзандлари соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилаётир.

Турли хил байрамларда оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш, табиат қўйнига саёҳатлар уюштириш одат тусига айланган. Ўтган йили биргина шу мақсадлар учун 7 миллион, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий тадбирларга 110 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфлангани фикримиз исботидир. Корхонанинг келажаги порлоқ. Ишлаб чиқариш йилдан йилга кенгайиб, қўшимча ишчи ўринлари яратилмоқда. Ўтган йили корхонада 115 қўшимча иш ўрни яратилган бўлса, шу йилнинг охиригача бу кўрсаткич 240 тани ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

**А. ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# САВДО ЯРМАРКАСИ

Самарқанд шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасини ташкил этиш анъанага айланган. Уни ҳар гал Самарқанд тумани деҳқонлари бошлаб беради. Сўнгра Булунғур, Тайлоқ, Жомбой туманлари миришкорлари ҳам бирин-кетин кўчма дўконларини шаҳарнинг гавжум майдонларига ўрнатади.

Бу йил деҳқончилик маҳсулоти ҳар йилгидан эрта етилди. Шу боис Самарқанд тумани деҳқонлари ҳозирданоқ савдо ярмаркасини бошлаб юборишди. Туман соҳибкорлари бу йил 63 минг тонна сабзавот, 16 минг тонна узум, 5 минг тонна картошка, 12 минг тонна ҳўл мева, 150 миллион дона тухум тайёрлаб, эл дастурхонига тортиқ этишади. Савдо ярмаркасида Шароф Рашидов, Фотима Қосимова номидаги, «Мароқанд» каби хўжаликларнинг мева-сабзавотлари, «Суҳроб» корхонасининг нон маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Эътиборли томони, ярмаркада сотилаётган маҳсулотлар бозордагидан анча арзон.

## ПОЛВОНЛАРИМИЗ УЧУН КАТТА СИНОВ

Етти кун мобайнида Теҳронда Осиё қиъъаси биринчилиги учун ўн уч мамлакатдан 200 нафардан зиёд эркин ва юнон-рум кураши усталари гиламда бел олишди.

Осиё биринчилиги беллашувларида эркин курашчиларимиздан етти нафари иштирок этишган бўлса, юнон-рум кураши бўйича эса саккиз нафар курашчи юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Эркин курашчиларимиздан 54 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Баҳром Эрматов фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, юнон-рум кураши бўйича ўтказилган баҳсларда 50 килограмм вазн тоифасидаги полвонларимиз Хайрулло Абдуллаев тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Ўсмир полвонларимиз учун мазкур мусобақа август ойида пойтахтимизда ўтадиган Жаҳон биринчилиги беллашувларидан олдин ўзига хос синов бўлди, десак муболаға бўлмайди. Чунки, Осиё қитъасида юнон-рум курашчилари нафақат минтақада балки, бутун дунёда кучли полвонлар қаторига киришади. Қиш ойларида Тошкентда эркин ва юнон кураши бўйича «Гран При» туркумидаги халқаро турнир бўлиб ўтган эди. Халқаро кураш ассосациацияси юртимизда мазкур спорт турларини ривожлантиришдаги эътиборни ҳисобга олиб, айнан пойтахтимизда нуфузли турнирларини ўтказишга қарор қилган.

**«Туркистон-пресс».**

## «КОСКОМ» ҚИЗИЛҚУМ САҲРОСИДА

«Коском» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг «Коском-Навоий» филиали қисқа вақтда ўз мижозларини топди.

Яқинда «Коском»нинг Зарафшон шаҳри ва Мурунтов қўрғонидаги нуқталари ҳам абонентларга хизмат кўрсата бошлади. Эндиликда бепоён Қизилқум ва Томдитов адирларида меҳнат қилаётган чорвадорлар ҳам «Коском» хизматидан фойдаланмоқда.

Зарафшонлик ва мурунтовлик кончилар, хизматчилар, тадбиркорлар вақти тежалаётгани, «Коском» уяли алоқа телефонлари туфайли бир зумда ишлари битаётганидан мамнун.Ҳозиргача «Коском»нинг бу ердаги мижозлари 300дан ошди.

Тез кунларда Учқудуқ шаҳри аҳолиси ҳам «Коском» телефонларидан фойдалана бошлайди.

***Республика Таълим марказида АҚШнинг Монтано Давлат Университетига йўлланма олган 10 нафар ўқитувчини кузатиш маросими бўлди.***

# МУАЛЛИМЛАР УММОН ОРТИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Етти ҳафта мобайнида уммон ортида бўлиб, ўз билим ва малакасини ошириш ҳамда Америка халқининг маданияти, тарихи, урф-одатлари билан танишиш имкониятига эга бўлган бу муаллимлар мамлакатимиздаги турли мактабларда болаларга инглиз тилидан сабоқ беради.

АҚШ Давлат департаменти ва Ўзбекистондаги Америка элчихонасининг таълим ва маданият бўлими, АКСЕЛС маркази (халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган танловда 250 нафар инглиз тили ўқитувчиси қатнашган эди. Танлов уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичнинг 120 нафар ғолиби ҳакамлар томонидан энг сара инглиз тили ўқитувчилари, деб эътироф этилди. 2-босқичдан муваффақиятли ўтган 37 нафар ўқитувчига 200 долларлик замонавий ўқув қўлланмалари ва у ишлайдиган мактабга қиймати 2 минг долларга тенг бўлган компьютер топширилди. Учинчи турнинг 10 нафар ғолибига эса Америкага йўлланма насиб этди.

Кузатиш маросимида АКСЕЛС нинг Ўзбекистондаги директори Майкл Куртис иштирок этди.

**(ЎзА).**

# OLAMDA

***НЬЮ-ЙОРК. БМТ бош қароргоҳида енгил ўқотар қуроллар тарқалишининг олдини олишга бағишланган халқаро анжуман бошланди. 170 дан ортиқ давлат ва кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашаётган ушбу тадбирда бундай турдаги қурол-яроғ ноқонуний тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда. Анжуман якунида махсус декларация қабул қилиниши кутиляпти.***

***БМТ маълумотига қараганда, ҳозир дунёда 500 миллиондан ортиқ енгил ўқотар қурол мавжуд. Сўнгги ўн йил ичида бу қуроллар тўрт миллиондан зиёд одамни ҳалок этган.***

* * *

***БЕЛГРАД.*** *Македониядаги албанлар партияси раҳбарияти мамлакатда юз бераётган можарони тинч йўл билан ҳал қилиш борасида ишлаб чиқилган янги лойиҳани рад этди. Тақдим қилинган лойиҳа мукаммал эмас, у билан бир неча ойдан буён давом этаётган можарони тўхтатиб бўлмайди, деди Албан демократик партияси раҳбари Арбен Жафери.*

* * *

***ЛУСАКА. Замбия пойтахтида Африка бирдамлик ташкилотининг(АБТ) навбатдаги саммити бошланди. Унда қирқдан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқда. Саммит кун тартибида асосан АБТни янги сиёсий-иқтисодий тузилма Африка Иттифоқига айлантириш масаласи ўрин олган.***

* * *

***АФИНА.*** *Грециянинг Салоника шаҳри портига НАТОга тегишли саккизта кема келиши муносабати билан шаҳарда оммавий намойишлар бошланди. Намойишчилар шимолий альянс кемаларининг тезда Грециядан чиқиб кетишини талаб қилмоқда. Уларнинг айтишича, кемаларнинг Грецияда сақланиши Болқондаги вазиятни янада кескинлаштиради.*

* * *

***ПНОМПЕН. Камбожа денгиз қўриқчилари ўтган куни 250 нафар муҳожирни тутиб олди. Маълум бўлишича, улар Индонезия юк кемаларига миниб, Австралия ва Янги Зеландияга ўтишни кўзлаган экан. Муҳожирлар асосан Афғонистон ва Покистон фуқаролари бўлиб чиқди.***

* * *

***СЕУЛ.*** *Жанубий Корея ташқи ишлар ва ташқи савдо вазири Хан Син Су Шимолий Корея ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Пэк Нам Сон билан учрашув ўтказишни кўзлаётганини маълум қилди. Музокара Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмасининг (АСЕАН) 25 июл куни Ханой шаҳрида бошланадиган минтақавий форуми доирасида уюштирилади.*

**(ЎзА).**



# NIMA GAP

*Қўшма корхона касаба уюшма қўмитаси*

**Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда чет эл инвестициясини киритиш катта аҳамиятга эга. 1991 йили дастлаб кичик жамоа корхонаси сифатида ташкил топган мазкур жамоада бугунги кунда машинасозлик учун энг зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Кейинчалик у «Радиатор» қўшма корхонаси мақомини олди ва ишлаб чиқариш ҳажми анча ошди.**

# ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

## ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Қашқадарёда ажойиб инсон Тойир Нуруллаев номини кўпчилик яхши билади. Умрини қишлоқ хўжалигида илғор технология ва фан ютуқларини, замонавий механизацияни жорий этишга бағишлаганди.

Эллик ёшга етар-етмас ҳаётдан кўз юмди. Иқтидорли мутахассис елиб-югуриб «Радиатор» корхонасини ташкил этган эди. Эндиликда у бошлаган хайрли ишни кўп йиллар мобайнида Россия заводларида мастер, цех бошлиғи вазифаларида ишлаган тажрибали мутахассис Райим Қодиров давом эттиряпти.

Ушбу Ўзбекистон-Россия «Радиатор» қўшма корхонаси «Ўзагромашсервис» уюшмаси тизимидаги қишлоқ хўжалик техникалари учун импорт ўрнини босадиган сув радиаторларини ишлаб чиқарадиган ва уларни тубдан таъмирлашга ихтисослашган республикамиздаги ягона корхонадир.

Қирқ нафар малакали ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган мана шу жамоада ишлар замон талаблари асосида олиб боriляпти. Жумладан, сув радиаторлари бутлов қисмларини тайёрлаш, йиғиш, синовдан ўтказиш ва бошқа жараёнлар янги технологиялар асосида амалга оширилмоқда.

— Корхонамизда бир йилда 2500 донагача ҳар хил турдаги сув радиаторлари ишлаб чиқарилади, — дейди бизни тоза ва озода цехларга бошлар экан Райим Қодиров. — Четдан мураккаб бутлов қисмлари олиб келишда узилиш бўлганига қарамай ўтган йили 3 миллион 709 минг сўм соф фойда олдик. Ишлаб чиқаришда етишмовчиликлар бўлмасин деб, ҳаракатимизни қилиб, 2000 йилнинг охирида Россия Федерациясидан 80442 АҚШ доллари миқдорида зарур қисмлар келтирдик. Шу туфайли ишда сезиларли силжишга эришилди. Иқтисодий натижаларни таҳлил қилсак, бултур 6 ойда 16 миллион сўмлик сув радиаторлари ишлаб чиқарилиб, 14,5 миллион сўмлиги сотилган эди. 2001 йилнинг ўтган ойлари мобайнида 30,6 миллион сўмлик маҳсулотдан 27,3 миллион сўмлиги буюртмачиларга жўнатилди ва 4,2 миллион сўм соф фойда кўрдик.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил тер тўкаётган корхона жамоаси ишлаб чиқариш қувватини ўтган йилга нисбатан 1,5 баравар оширишни режалаштирган. Ишда юқори суръат ва аъло сифат бўлиши учун ҳаракат қилаётган мисгарлар Раҳмат Субонқулов, Ҳасан Ҳазратқулов, йиғувчи Равшан Тиловов, оператор Абдураҳим Эгамбердиев, электр пайвандчи Мурод Хидиров, токарь Рустам Хусенов, ҳайдовчи-экспедитор Абдураҳим Раҳимов бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Яна бир янгилик. Корхонада махсус ишлаб чиқаришга ихтисослашган асбоб-ускуналар мавжудлиги ҳамда кўп йиллик тажрибага эга мутахассисларнинг борлиги туфайли «Ўзбекнефтгазгеология» бирлашмаси қурилмалари ва Жанубий Кореянинг ДЭУ русумли автобуслари учун тайёрланган сув радиаторлари синовдан муваффақиятли ўтди.

— Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор берилаётганлиги муваффақиятни таъминламоқда, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Чоршанби Субонов. — Жамоа аъзоларига тушлик бепул. Шунинг ўзига бир йилда 2 миллион 100 минг сўм, ишчиларни сут маҳсулотлари билан таъминлашга 400 минг сўм маблағ сарфланмоқда.

Дарҳақиқат, корхона меҳнат аҳли учун бу ерда ҳамма қулайликлар яратилган. Қарийб ярим миллион сўм маблағ сарфланиб уларга каржомалар, қўлқоплар ва бошқа махсус иш кийимлари олиб берилди. Илғорлардан 5 киши республикамиз сиҳатгоҳларида даволанди.

Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш учун ҳамма имкониятлар бор. Шу мақсадда республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги 600 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Бу маблағнинг бир қисмига яқинда Россиядан эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Корхона раҳбарларининг таъкидлашича, республика пул-кредит комиссиясига керакли ҳужжатлар топширилган. Фаолиятларини кенгайтиришга зарур бўлган маблағни олиш учун квота ажратиш ишларини тезлаштириш керак. Шу ишда мутасадди ташкилотлар ёрдами жуда ҳам зарур.

Вақтинчалик қийинчиликларни мардона енгаётган қўшма корхона ишчи-хизматчилари республика истиқлолининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**Саволларингизга Ўз КУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради.**

**САВОЛ:** *Табиий газ ҳақини тўлашда тушунмовчиликка ойдинлик киритишда ёрдам берсангиз. 1999 йил октябр ойидан бошлаб газ тўлови хонадонларда М2дан М3 ҳисобига тўланадиган бўлди. Яъни иситиладиган хонани ҳар 1м3 учун уч сўм 86 тийин тўлаймиз. Ушбу белгиланган нарх иситгич қозонларини ёқадиган куз ва қиш мавсумигагинами ёки ёз мавсумига ҳам тегишлими?*

**Б.РАЗЗОҚОВА,**
**Қўшкўпир тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сонли Қарори билан газ ўлчагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонларга табиий газ узатиш меъёрлари тасдиқланган. Шунга биноан уй ёки квартирани якка тартибда иситадиган газ ускунасининг туридан қатъий назар иситиладиган хоналарнинг ҳар бир куб метри учун:

— Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти 2,5куб м;

— Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда — 2,4 куб м. табиий газ сарфланиш меъёрлари ўрнатилган. Иситиш мавсуми 5 ой деб қабул қилинади ва ҳисоблаб чиқилган сумма календар йил, яъни ўн икки ой давомида тенг миқдорларда тўлаб борилади.

**САВОЛ:** *Касб-ҳунар билим юртида ишлаб ўқитувчиликдан пенсияга чиққанмиз. Президент Фармонига асосан ушбу билим юрти томонидан ичимлик суви учун пул ўтказиб турилар эди. Бироқ қайсидир ҳисобчининг айби билан пул ўтказиб берилмади. Бу ҳол шу кунга қадар давом этмоқда. Шу сабабдан бир қанча тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Қонун бўйича бизга пул ўтказиб беришлари керакми йўқми?*

**А.МАВЛОНОВ,**
**Янгиқўрғон тумани,**
**Новкент кўчаси, 3-уй.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832 Фармонига биноан фуқароларнинг бир қатор тоифаларига, шу жумладан, касб-ҳунар таълими тизимида ишлайдиган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш ўқуви усталари, шунингдек, ходимларнинг мазкур тоифаларига тааллуқли 10 йил стажга эга бўлган пенсионерлар учун қишлоқ жойларида 100 фоиз, шаҳарда — 50 фоиз миқдорида коммунал хизматлар, уй-жойдан фойдаланиш ва уни сақлаб туриш бўйича имтиёзлар сақлаб қолинган.

Агар сиз юқорида номланган тоифаларнинг бирига мансуб бўлсангиз, ана шу имтиёзлар, шу жумладан, ичимлик суви учун тўловлар бўйича имтиёзлар ҳам сизга нисбатан татбиқ этилади.



Қадами қутлуғ бунёдкорлар саъй-ҳаракатлари билан юртимиз кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда. Янгидан-янги замонавий биноларнинг қад ростлаётгани улар меҳнатининг самарасидир.

Яқинда Ғиждувон тумани марказида «Раҳмат» супермаркети барпо этилди. Ушбу супермаркет фаолияти туман аҳлига манзур бўлмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# БИРИНЧИ МАГИСТРЛАР

Бу йил Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетини биринчи марта 78 нафар магистр битириб чиқди. Бу ёшлар эндиликда фаннинг турли йўналишлари бўйича илмий изланишларни давом эттириши мумкин. Магистрлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари ва бошқа олимлар раҳбарлигида диссертация ёзди. Уларнинг ўнга яқини ўз илмий ишларини инглиз ва немис тилларида ҳимоя қилди.

Биринчи магистрларга диплом топшириш маросими байрамона руҳда ўтди. Университет жамоаси, вилоят раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар уларни қизғин муборакбод этди. Тантанада Президентимизнинг магистратура, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Битирувчиларга магистрлик дипломлари тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, университетнинг илмий салоҳиятини оширишда, магистрларга муносиб билим беришда ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ўқитувчилар вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда университет маъмуриятининг фахрий ёрлиқлари, мукофотлари, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**(ЎзА).**

*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда*

**Юрт келажагини ҳар жиҳатдан етук, билимдон ёш мутахассислар белгилайди. Шу маънода мамлакатимизда кейинги йилларда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, тадқиқот масканларида илмий изланишлар олиб бораётган кўплаб ёш олимларимиз ривожланган хорижий давлатлар илмгоҳларида ўқиб, ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.**

# КОМПЬЮТЕРНИ ПРОГРАММАЛАШТИРИШ УСТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Энергетика ва автоматика» институтининг иқтидорли аспиранти Сорахон Байзакова ҳам худди шундай ёшларимиздан. У яқинда Деҳли шаҳридаги «СМС Лимитед» институтида компьютерлаштириш бўйича таҳсил олиб қайтди. Жамоатчи мухбиримиз ёш тадқиқотчидан ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни сўради:

— Аввало, илму фаннинг юксак чўққиларини забт этмоқни кўзлаган ёшларга ривожланган хориж мамлакатлари илмгоҳларида таҳсил олиш, тажриба алмашишдек юксак имкониятлар Истиқлол шарофати эканлигини алоҳида фахр ила таъкидлашни истардим. Биласизки, XXI аср энг юқори даражада такомиллашган компьютерлар асри бўлади. Келгуси ўн, юз йилликлар тараққиётини эса компьютерлаштиришсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам айни пайтда «ақлли машиналар» ҳаётимиздан чуқур ўрин олмоқда.

Биз, бир гуруҳ ўзбекистонлик ёшларнинг бу соҳада анча ютуқларни қўлга киритган Ҳиндистонда таҳсил олишимиз ҳам бежиз эмас эди, албатта. Айтиш мумкинки, «СМС Лимитед» институтида 3 ой давомида ўзимиз учун янгилик бўлган бир қатор программалаштириш тиллари билан танишдик. Компьютердан фойдаланиш ҳамда янги дастурлар ишлаб чиқиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлдик. Қисқаси, соҳанинг етук мутахассислари томонидан олиб борилган лекция ва амалий машғулотлар натижасида компьютер имкониятларини яна бир бор кашф этдик, дейишим мумкин.

«Электр энергиясининг сифатини ошириш ва унинг диагностикаси» номли номзодлик тадқиқотим марказида электр энергиясини иқтисод қилиш, унинг тақсимланишида мўътадилликни сақлашдек халқ хўжалиги ва саноат ривожи учун муҳим масалалар ётади. Ҳеч сўзсиз, бу муаммоларни ҳал қилишда компьютер имкониятларидан фойдаланиш катта самара беради.

**Дилрабо АБДУЛЛАЕВА.**

# СОФ ФОЙДА КЎПАЙМОҚДА

**121 нафар ишчини бирлаштирган «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти йил якунига қадар 140 миллион сўмлик иш бажаришни режалаштирган.**

— Ўтган йили 163 миллион сўмлик иш бажарган эдик, — деди ҳиссадорлик жамияти раиси Валижон Ўринов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу йил Томди туманидаги «Аяққудуқ» ширкат хўжалиги ҳамда олис саҳрони қамраб олган «Қизилқум ҳалқаси» автомобил йўлларида, шунингдек, «Ўринбой-Перекс» автомобил йўлларида ишлаяпмиз. Мурунтов ҳамда Қизилқум фосфорит комбинати йўлларини таъмирлаш ҳам бизнинг зиммамизда.

В.Ўриновнинг таъкидлашича, корхона қошида янги асфальт заводи бунёд этилди. Шунингдек, йўлсозлар олинган фойда ҳисобидан бу йил 5 та янги техника сотиб олишди. Бу ҳам тезкорлик билан ишлашга ёрдам беряпти.

*Омонатга хиёнат*

**Яқинда Тошкент шаҳридаги фуқаролик ишлари бўйича суд идораларидан баъзи бирларининг фаолияти билан танишишимизга тўғри келди. Шунда бир нарсага эътиборни қаратдик: кейинги йилларда фуқаролар ўртасида кўп миқдорда бир-биридан қарз кўтариш, «олди-берди» холатлари нотариал идора орқали тасдиқланмасдан амалга оширилаётир. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларни суд идораларига қарзни ундириш юзасидан кўплаб мурожаат қилишларига мажбур этмоқда.**

# ҚАРЗ БЕРИБ, ЧУВ ТУШГАНЛАР

Келинг, яхшиси далилларга мурожаат қилайлик. Юнусобод туманидан Тошлонбек Болгабоев Фарҳод Тешабоевнинг ҳийлаю-макрига учиб, унга тилхат асосида катта миқдорда қарз беради. Уни икки баробардан ҳам ортиқроқ миқдорда қайтариб беришни ваъда қилган Ф.Тешабоев уч йилдан буён қорасини кўрсатмай юрибди. Ажабланарли жойи шундаки, Т.Болгабоев Фарҳоднинг асли ким эканлигини суриштирмай, аниқ яшаш жойини билмай, устига-устак тилхатни нотариал идорага тасдиқлатмасдан қарз берган. Хозирда фирибгарнинг қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди...

1998 йилнинг бошларида фуқаро Мукаррам Инакова Лилия Панинага фақат унинг овозини диктофонга ёзиб олиш йўли билан икки ойда қайтаришга шартлашган ҳолда катта миқдорда қарз беради. Лекин орадан уч йил ўтаяптики, пулдан дарак йўқ. Бу можарали иш дастлаб ИИБга келиб тушди. Ундан сўнг эса судга ўтказилди.

Яна бир мисол. Диний идора ходими Маҳмудхўжа Нуриддинов Раҳима Исоқова деган аёлга катта миқдорда қарз беради. Лекин ҳозир у пулнинг олтидан бир қисмини ололган, холос...

Яқинда таҳририятимизга келган бир йигитни эсладик. Унинг айтишига қараганда, Эски Жўва бозорида қассоблик билан машғул бўлган яқин таниши ундан уч ой муддатга 200 минг сўм қарз олибди. (Йигит бу пулни фоиз эвазига берган бўлиши ҳам мумкин. Лекин мазкур мақолада масаланинг у жиҳатига эътибор бериб ўтирмаймиз — бу бошқа мавзу). Ҳозир, орадан ярим йил ўтса ҳамки, у пулини қайтариб ололмаётган эмиш.

— Гувоҳларингиз борми? — сўраймиз ундан.

— Йўқ, - деди йигит. — Лекин тилхати қўлимда. Унда хатто бармоқ излари ҳам бор.

Дарҳақиқат, аризачи тақдим қилган тилхатда қарз олган йигитнинг бармоқ излари ҳатто ўз қўли билан битган «Қарзни кечиккан ҳар кун ҳисобига 1000 сўмдан қўшимча жарима тўлайман» деган ёзув ҳам бор эди.

— Ўша оғайним «пулингни бераман» деяпти. Лекин бермай, орқага суряпти, йиғлагудай бўлиб дерди аризачи.

Биз ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашиб, пулни ундиришнинг ягона йўли қарздорни судга бериш эканлиги ҳақида бир фикрга келдик. Лекин ўртада тўғаноқ чиқиб қолди: афсуски, тилхат бирон-бир нотариал идорада расмий равишда тасдиқланмаган.

— Бу тилхатингиз қуп-па-қуруқ қоғоздан бошқа нарса эмас, - дея аччиқ ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди ҳуқуқшунос.

Келинг, бироз мушоҳада юритайлик. Хўш, қарз ўзи нима? «Қарз, - дея таъриф беради «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да, - маълум муддат ўтгандан кейин қайтариш шарти билан берилган ёки олинган нарса».

Ҳуқуқшунос таъкидлаганидек, қарз қандайдир расмий ҳужжат билан тасдиқланиши шарт. Ана шундагина у қонуний кучга эга бўлади. Тўғри, юксак тижорат доираларида бири-бири билан ўзаро синашта бўлиб қолган масъул шахслар ўртасида оддий бир оғиз ваъда, чин сўз, таъбир жоиз бўлса, эркакчасига келишув ўнлаб расмий шартномаю далилларсиз амалга ошириладиган нарса. Лекин бу ҳам бошқа масала...

Ҳаёт серқирра ва мураккаб. Таассуфлар бўлсинки, баъзи ўринларда одамлар орасида ўзаро ишончнинг йўқолиши, ваъдасида турмаслик, охир-оқибатда андиша-орият ҳам бир четга суриб қўйилаётган ҳолларга дуч келмоқдамиз. Шу ўринда қўлимиздаги бир хатга эътиборни қаратайлик.

Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий даҳасининг 30-мавзе, 13-уй, 15-хонадонида истиқомат қилувчи кўп болали она Матлуба Авлоқулованинг бизга ёзишича, унинг Азамат исмли акаси ундан пул олиб, Равшан Қосимов деган тижоратчи оғайнисига катта миқдорда қарз бериб турган экан. Энди, қарзни қайтариш пайти келганида дўсти тўнини тескари кийиб олибди. «Бермайман, сенда қарзни тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ», деяётганмиш. Ана холос! «Равшан Қосимов қарзни олаётганда «Чин эркакча сўз» берган эди. «Чин сўз»нинг қадри шунчалик тушиб кетдими?» дея ажабланиб савол беради бизга хат йўллаган аёл.

Халқимиз орасида мазкур мавзуга алоқадор нақллар жуда кўп. «Кейинги пушаймон ўзингга душман», «Ҳисобли дўст айрилмас» дейишади. Нима қилайлик, кейинги мақолни бироз ўзгартирган ҳолда «Ҳужжатли дўст айрилмас» деб қўйсакмикан? Қизиқ, қиёмат қарзни қайтармаслик энг катта гуноҳи азим эканлигини наҳотки ўз ваъдасидан тонаётганлар билишмаса. Француз мутафаккири Жан Жак Руссо «Виждонли одамлар учун ҳалоллик саводли одамлар учун илм қанчалик зарур бўлганидан кўра ҳам қимматлироқдир» - деган экан.

Бу сўзларга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак...

**Қодиржон СОБИРОВ,**
**Ҳайрулло АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

*Жамоада маънавий муҳит*

# ИШТИЁҚ

**Бозор иқтисодиёти барча ишлаб чиқариш корхоналари қатори Олмалиқдаги маиший кимё маҳсулотлари заводи зиммасига ҳам юксак масъулият юклади. Сабаби, ушбу завод маҳсулотлари билан рақобатлашувчи корхоналар кўпайди. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур корхона ҳам замондан орқада қолмаслик чораларини қидириб топди ва жаҳон сармоядорлари ўртасида завод учун тендер эълон қилинди.**

Бу тендерда дунё миқёсида тан олинган «Проктер энд кембл» компанияси ҳам қатнашди. Ва ниҳоят, Россиянинг машҳур «Калина» концерни билан ҳамкорлик қилишга келишилди. Бу концерн ўз ҳисобидан Олмалиқ заводига 700 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратди.

Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда «Pallada-Vostok» деб ном олган корхона маҳсулотлари чет элларда ҳам ўз харидорларига эга. Буни импорт-экспортни кучайтириш борасида қилинаётган ишлардан ҳам билиш мумкин.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган шампунь, атир совун ва кир ювиш воситаларининг туркум ҳолларда тавсия қилиниши харидорларга қўл келмоқда. Россия, Украина, Озарбайжон, Грузия, Арманистон мамлакатларининг маҳсулотларга бўлган талаби ошиб бораётир.

Санитария-гигиена ва пардоз-косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Олмалиқ корхонаси меҳнатни илмий асосда бошқаришга катта эътибор қаратмоқда. Бу жамоада малакали кадрлар тажрибаларидан унумли фойдаланиш, ишчи-ходимларнинг меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳимояси борасида алоҳида режалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Корхона жамоасининг эртанги кунга бўлган ишончи ва кўтаринки кайфиятда меҳнат қилиши натижасида йил аввал инқирозга яқин турган корхона бугунги кунда юксалишга юз тутгани ибратлидир.

**М.ҲАЙИТОВА.**

*II Республика «Тўмарис ўйинлари» фестивали*

# ЭСТАФЕТА НАМАНГАНЛИКЛАРДА

Қадим ва навқирон Шаҳрисабзда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йилига бағишлаб II Республика «Тўмарис ўйинлари» фестивали бўлиб ўтди. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган фестивал беллашувларида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган хотин-қизлар ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Иштирокчилар фестивал дастуридан ўрин олган «Қўл кучини синаш», «Теннис коптогини улоқтириш», «Узунликка сакраш», «Милтиқдан отиш», «Арғимчоқ», «Отиб қочар», «Қирқ тош», «Отишма» каби халқ ўйинлари билан бирга «Барчиной» махсус тестлари бўйича ҳам мусобақалашишди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин қашқадарёлик спортчи хотин-қизларга насиб этди. Кейинги ўринларни Фарғона ҳамда Сирдарё вилоятлари жамоалари эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган кубок, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Мусобақалар якунида фестивал эстафетаси наманганлик спортчиларга топширилди.

**Наргиза СОЛИҲОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратларда: Фестивал мусобақаларидан лавҳалар.**
**Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.**







*Қадриятларимиз тикланмоқда*

## МИНОРАНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Вобкент туман марказида Абдулазизхон II томонидан 1127-1129 йилларда қурилган маҳобатли минора ҳалигача қад ростлаб турибди. Баландлиги 42 метр бўлган минора асрлар ўтиши билан путурдан кетиб, маълум қисми емирилган ва тўрт метрга «чўккан».

Буюк тарихчи олим Наршахийнинг таъкидлашича, Вобкент Буюк Ипак йўлида жойлашган энг қадимги аҳоли яшайдиган масканлардан биридир. Улкан минора эса савдо карвонлари учун тунда ўзига хос маёқ вазифасини ўтаган. Тунлари минора туйнукларига ўрнатилган фонуслар савдо карвонларига анча олисдан кўриниб турган.

Нурли истиқлол туфайли халқимизнинг миллий қадриятлари яна тиклана бошлади. Тарихий обидалар ўзлигини намоён этмоқда. Жумладан, қадимий Вобкент минораси ҳам яқинда ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди.

**Ш.ШАРИПОВ.**

*Олтин мерос*

***Сурхондарё дейилганда кўз олдимизда албатта жануб қуёши, иссиқ иқлими ва ёзда ҳам қори кетмайдиган баланд тоғлар, шарқираб оқадиган зилол сувлар намоён бўлади.***

# БАХШИЛАР ШАЖАРАСИ

### ёҳуд 22 соат куйланган халқ достони

Тоштемир Турдиев мана шу Сурхон замини фарзанди. Сўфи Оллоёр ҳазратлари макон этган катта Вахшивор қишлоғига яқин жойда таваллуд топган. Минг тўққиз юз қирқ иккинчи йили отаси урушга кетганда Тоштемир олти ойлик чақалоқ эди. Падари бузрукворi урушдан қайтмади. Ўн бир ёшида онасидан ҳам айрилди. Хўжасоат қишлоғидаги интернат мактабини тугатгандан сўнг у таҳсилни давом эттириш мақсадида Бухорога йўл олди.

Етмишинчи йилларда бир тасодиф билан таниқли олим Муҳаммаднодир Саидовнинг назари Тоштемир акага тушди. Устозининг даъвати билан илмий ишга қўл урди ва 1974 йилнинг ёзида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Мана ўттиз йилдирки, у киши туман миқёсидаги турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга 14 та китоб чоп эттирди. Ҳозир Денов туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаш билан бирга ижод билан ҳам шуғулланмоқда. Унинг 1978 йилда чоп этилган «Субҳидам қалдирғочи» китоби шоира Раъно Узоқованинг ҳаёти ва ижодига бағишланди. Тоштемир аканинг саъй-ҳаракатлари билан Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1993 йилда Р.Узоқованинг «Сайланма» асарларини кўп нусхада босиб чиқарди.

Таниқли ижодкорнинг халқ оғзаки ижодига қизиқиши охир-оқибатда уни бахшилар билан ҳамкорлик қилишга ундади. Олим «Алпомиш» достонини Хушбоқ бахшидан эшитиб уни ажойиб китоб ҳолига келтирди. Бу адабий жамоатчилик учун ўзига хос бир туҳфа бўлди.

Хушбоқ Мардонақулов айтадиган «Алпомиш» достони ўзгача жозибаси билан мухлисларни ҳайратга солган. Шеробод достончилик мактабининг улуғ намоёндаси ушбу достонни 22 соат куйлаган. Бу ноёб ижро видео тасмасига туширилди. Афсуски, яқиндагина оламдан ўтган Қодир бахшидан ҳеч ким унинг достонларини ёзиб олмади. Бугун биз бахшининг ширали овозини эшита олмаймиз, унинг шоирона топқирликларидан такрор-такрор ҳайратга тушолмаймиз.Мана шу жиҳатдан олганда Хушбоқ бахши билан Тоштемир аканинг ижодий ҳамкорлиги аҳамияти жуда катта.

Шунингдек, тадқиқотчининг «Бахшилар шажараси» рисоласи халқ оғзаки ижоди намоёндаларининг бутун бир авлоди ҳақида қимматли маълумотларни ўзида жамлаган.

Халқимизнинг минг йиллардан буён айтиб келинаётган достон ва қўшиқларини келгуси авлодларга ҳам етказиш кўп савоб ишдир. Тоштемир ака эса бебаҳо маънавий бойлигимизни сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатаётган фидойи инсонлардан биридир. Бундан буён ҳам изланиш ва ижоддан асло толманг, Тоштемир ака!

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Назм бўстонида*

## ДАРЁ
### (МАНЗАРА)

***Шағирлайди пастликда дарё,***
***Тошдан-тошга урилар тўлқин.***
***Ҳис уйғонар, ғаройиб дунё,***
***Тикиламан, кўзларда ёлқин.***

***Мен турибман қоя устида,***
***Кифтимда тоғ, кафтимда дарё...***
***Манзаралар ... хаёл остида***
***Яшнаб кетар ёшариб ҳар ёқ.***

***Мен турибман фикр, ўй билан***
***Шўх тўлқинлар ўйинига маст.***
***Дарё оқар шовқин, куй билан,***
***Харсанг тошлар унга писандмас.***

***Қоялардан ошар ва тошар,***
***Бир тош нари кетар овоза.***
***Ўркач-ўркач тўлқинлар шошар,***
***Олмоқ учун қирғоқдан бўса.***

## БИР ИНТИҚЛИК ТУЯМАН ҚАЛБДА

***Яйраб кўнглим шому субҳидам***
***Саболардан оларкан нафас,***
***Шан борлиққа ортаркан ҳавас,***
***Табиатнинг шаффоф руҳидан***
***Бир тиниқлик туяман ўзда,***
***Бир интиқлик туяман ўзда.***

***Сўлим боғлар аро кезганда***
***Ўша малак ёнимда ҳамроҳ,***
***Ишқ розига чечаклар гувоҳ,***
***Меҳр расмин дилга чизганда***
***Бир тиниқлик туяман ўзда,***
***Бир интиқлик туяман ўзда.***

***Юрагингда қуёш яширин,***
***Акс-садоси чеҳрангда гулгун,***
***Лаб ташнадир лабингга бу кун,***
***Ошкор этсанг у мубҳам сиринг***
***Бир тиниқлик туяман ўзда,***
***Бир интиқлик туяман ўзда.***

***Ҳаёт ширин, борлиқ нада соз,***
***Яшаш завқи қанот бахш этар.***
***Илҳом шавқин дилга нақш этар,***
***Тароналар айлаб сарафроз***
***Бир тиниқлик туяман ўзда,***
***Бир интиқлик туяман ўзда.***

***Умр биздан нимадир кутар,***
***Оқар сувдек келару ўтар.***
***Бекор умр умрни ўртар,***
***Мазмун тўла ҳар кун бир асар.***
***Бир тиниқлик туяман ўзда,***
***Бир интиқлик туяман ўзда.***

**Анвар ЮСУПОВ.**

*Дўст ачитиб гапиради*

***Қонликўл Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муносиб ўринга эга туманларидан бири. Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида улар ибратли натижаларни қўлга киритиб келаётган эдилар. Аммо...***

# СПОРТ МАКТАБИ КЎМАККА МУҲТОЖ

Очиғини айтиш керак, туманда кейинги йилларда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб камол топишида муҳим аҳамиятга эга бўлган спортни оммавийлаштириш йўлида талаблар даражасида иш олиб борилмаётир. Эътиборингизни биргина мисолга — туман халқ таълими бўлимига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги аҳволга қаратмоқчимиз. Ушбу даргоҳ 1993 йили катта мақсадларни кўзлаб ташкил этилган эди. Минг афсуски, 13 нафар мураббий-ўқитувчи салкам 500 нафар ёшга спортнинг олти тури бўйича машғулотлар олиб бораётган мактаб ҳолига бугун ачинасан киши. Бинобарин, БЎСМда 16 та титиғи чиқиб кетган кураш гиламини истисно қилганда, бошқа жиҳоз йўқ. Тўғри, ота-оналар кўмагида тўп, тўр сингари жиҳозларни сотиб олишга эришилди. Бироқ, ёш спортчилар маҳоратларини ошириб боришлари учун бу ҳали талабга мутлақо жавоб бермайди-да.

Айтганча, вазиятни ўнглаш учун ташаббус кўрсатиши лозим бўлган ташкилот — туман спорт қўмитаси (раҳбари Н.Отабоев)нинг ўзи айни пайтда кўмакка муҳтож . Яъни, мазкур ташкилот раҳбару ходимлари ярим йилдирки ўз маошларини ололмасдан сарсон бўлиб юришибди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигига давлат миқёсида катта эътибор қаратилаётган бир пайтда, наҳотки, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, қолаверса, ҳомий ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар спорт мактабини ўз ҳолига ташлаб қўйишса?

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Тошкент вилоятининг сўлим тоғ бағрида жойлашган Эртош қишлоғи ёшлари жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш учун ажойиб қулайликка эга бўлдилар. 37-мактаб ҳудудида барча шароитга эга янги ўйингоҳ қуриб битказилди. Ўйингоҳ азалий удумимиз — ҳашар йўли билан бунёд этилди. Фидокорлар партиясининг Оҳангарон туман кенгаши эса янги спорт масканини жиҳозлаш ва спорт анжомлари сотиб олиш учун 300 минг сўм миқдорида маблағ ажратди.

Болалар энди бўш вақтларини жиҳозланган спорт майдонида ўтказадиган бўлишди.

**Т.ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Турмуш чорраҳаларида*

# ЎЗИНГ ПИШИРГАН ОШ

### Воқеий ҳикоя

***Дам олиш куни эди, уйда ўтириб зерикдим. Ўртоғимни кўриб келсам-чи, деган фикр ўтди хаёлимдан. Шу мақсадда унинг ётоқхонасига йўл олдим.***

***Ҳайрият, бир ўзи экан. Дўсмат билан суҳбатлашиб ўтиргандим, эшик тақиллаб, хонага 40 ёшлар чамаси нотаниш киши кириб келди. Мени кўриб:***

***— Меҳмон бор экан, суҳбатларингизга халақит бермадимми? — деди.***

***— Йўғ-е, — унга жой кўрсатди дўстим, — қайтанга яхши бўлди. Биргалашиб чой ичиб гурунглашамиз, — дея бизни бир-биримизга таништирди:***

— Бу Мурод, акамизнинг исмлари эса Дониёр.

Суҳбатимиз қизигандан қизиб борарди. Дониёр ака очиқ кўнгил, самимий инсон экан. Дилингдагини топиб гапиради, у билан вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмай қоласан киши. Бу орада Дўсмат бозор қилиб келибди. Ҳай-ҳайлашимизга қарамай, ярим соатда ош дамлайман, деб қозон-товоқларни кўтариб кетди.

— Тинч-хотиржам яшашаркан, — деди меҳмон, — ҳамма шароитлари муҳайё. Уларга ҳавасинг келади. Ўзимнинг талабалик йилларимни эсласам, юрагим увишиб кетади. Квартирама-квартира изғиб, яхши жой топгунимизча она сутимиз оғзимиздан келарди. Айниқса, бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Дўсматжон ош қиламан деганда ўша кун беихтиёр эсимга тушиб кетди.

— Қандай воқеа экан, — қизиқиб сўрадим.

— Ўшанда 1984 йил эди. Бизлар уч киши Чилонзордаги бир хонали уйда ижарада турардик: мен, укам ва ўртоғим.

Кундузи ишлаймиз, кечқурун ўқиймиз. Шу зайлда орадан тўрт ойлар ўтди. Шу давр мобайнида рўзғордан ортириб унча-мунча пул ҳам жамғардик. Лекин бир куни...

Кечагидек эсимда. Дам олиш куни эди. Укам берилиб дарс қилар, дўстим қаергадир кетган, мен зерикканимдан қўшиқ эшитиб, ҳордиқ чиқарардим. Қишнинг бир тутам куни ўтиб, оқшом қўнган, қозонда ошимиз дам еб турар, ўртоғимдан эса дарак йўқ. Укам иккаламиз бесабр бўлиб уни кутардик. Шунда эшик ногахон қаттиқ тақиллаб қолди.

— Ким? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Бизни Дилшод юборди, эшикни оч!

— Дилшодни танимаймиз, — дедим ҳайратим баттар ортиб.

Ҳалигилар қутуриб роса ҳақорат қилишди. Охири чидамадим, ҳамиятимга тегди. Эшикни очганимни биламан, икки барзанги устимизга бостириб кирди. Бошимга бир нарса келиб тушди. Кўз олдим жимирлаб, ўтириб қолдим. Ҳушимга келиб қарасам, безориларнинг бири укамга ўшқириб турарди. Жон ҳолатда жигаримни қутқазишга шошилдим.

— Қўйинглар, унга тегманглар, нима керак бўлса, ўзим топиб бераман, — дедим.

— Пул!

Қишлоқдаги укаларимга кийим-бош оламан деб йиғиб қўйган пулимни беришга ҳечам кўзим қиймасди. Ахир, укаларим қишнинг изғирин кунларида қийналиб юришганини билардимда. Барзангилар қутургандан-қутуриб борар, укамни қийнаб, мендан пул талаб қилишарди. Аҳволим танг эди.

Охири бор пулни чиқариб олдига ташладим.

— Кам-ку, — улар шундай дея қўлга илинадиган нимаики бор, барини олишди. Ҳаммадан алам қилгани қозондаги ошгача каттакон сумкаларига солиб, жуфтакни ростлашди...

Қорнимиз оч, умримизда биринчи марта тийин-тийинлаб йиғиб пиширган ошимиз безориларга насиб этган эди. Шундан бери ҳар ош дамланганида ўша воқеа кўз олдимга келаверади. Тинч-хотиржам яшаш нақадар яхши деб қўяман.

Ўша куниёқ бошқа уй топиб кўчдик. Шу-шу қаерда яшамай аввал қўшнимнинг қандай одамлигини суриштираман. Афт-ангорига разм соламан. Чеҳраси очиқларни кўрсам, ишқилиб қалби ҳам шундай тоза, беғубор бўлсин-да, дейман. Ўзингга эҳтиёт бўл, деб кексалар бежиз айтишмаган, экан-да.

Шу пайт дўстим каттакон сопол лаганда ҳовури чиқиб турган ош кўтариб кирди...

Ҳазил-мутойиба билан ошни едик, кетидан аччиққина чой ичиб, уй-уйимизга тарқалдик. Шу куни кўнглим тоғдек кўтарилди, юрагимга бир ёруғлик инди. Бу меҳр-оқибат меваси, дўстлар дийдорининг қалбдаги инъикоси эди.

Дўст билан кўнглинг бутун, деганлари шу бўлса керак-да.

**Боймурод ШЕРМАТОВ.**

*Фахр*

## ШАВКАТ ҲИНДИСТОНГА БОРАДИ

XXVII ёзги Олимпиада иштирокчиси бухоролик Шавкат Шарипов қисқа муддатли танаффусдан сўнг, яна кучлилар сафига қўшилди.

У яқинда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий халқаро турнирда ғолиб чиқди. Майдон эгаларидан ташқари Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистондан моҳир югурувчилар иштирок этган мусобақада Шавкат 100 метрли масофани 10,7 секундда босиб ўтиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди. Унинг мамлакат терма жамоасидаги асосий рақиби Анвар Кучмуродов иккинчи натижа кўрсатди.

Мусобақада юқори ўринларни эгаллаган спортчилардан Марказий Осиё терма жамоаси тузилди. Энди Шавкат Шарипов август ойида Ҳиндистонда ўтказиладиган халқаро қитъа ҳудудлараро турнирида мазкур жамоа сафида иштирок этади.


ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6